

## ШАРҚ ТАРОВАТИНИ КЎРСАТА ОЛГАН ЎЗБЕК ХАЛҚ ШОИРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7685872>



ELSEVIER



Foundation of Advanced Research Publishers

**Ирода Санъат қизи Тохирова**

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети талабаси



**Abstract:** Бу мақолада рус шоири ва Ўзбекистон халқ шоири, Александр Аркадьевич Файнбергнинг қисқача ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўз боради. Бу мақолада нафақат унинг ижодий фаолияти, балки ўзбек халқи ва Ўзбекистонга муҳаббати ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиш мумкин.

**Keywords:** ўзбек шеърляти, Иккинчи жаҳон уруши, шоир, шеър, рус, ўзбек, Ёзувчилар уюшмаси, журналистика

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 22-02-2023

Accepted: 22-02-2023

Published: 22-02-2023

Охирги йилларда олиб борилаётган ислохотлар ҳамма соҳаларда бўлгани каби, тил ва адабиёт соҳасини ривожлантиришга ҳам қаратилмоқда. Адабиёт соҳасига оид ишларнинг мантикий давоми сифатида шоир ва адиблар, актёр, рассом, хонандалар, журналистларнинг истеъдодини юзага чиқариш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳам қатор чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Шундай эътибор кўпгина ўзбек шоирлари каби, рус шоири ва Ўзбекистон халқ шоири Александр Аркадьевич Файнбергнинг ижодий фаолиятини ўрганишга қаратилган.

Ҳаёт ва ижод йўли бутун бир соҳа ёхуд соҳанинг катта бир даври ҳақида атрофлича тасаввур бера диган мутахассислар кўпчиликини ташкил этмайди, чунки бундай одамлар тақдирнинг ажиб бир инояти сифатида майдонга келади. Бу эса ёзувчи, шоир, драматурглар ижодида яққол кўзга кўринади.

Шундай ҳолат борки, унда шоир ёки ёзувчилар умр қисқа бўлган бўлса ҳам, шу қисқа вақт ичида улар томонидан ёзилган шеърлари узоқ йиллар давомида яшайди. Аммо улар орасида шеърятга ихлос қўйибгина қолмай, бу нозик санъатни юксак чўққига олиб чиққанлари камдан кам учрайди. Шундай истеъдод эгаси бўлмиш Александр Файнберг қаламига мансуб кўплаб шеърлар борки у нафақат рус, балки ўзбек ва бошқа миллат ихлосмандларини ўзига жалб қила олди. Шунинг учун Ўқув режалари ва дастурларини замонавий талаблар асосида қайта ишлаш натижасида рус тилида ўқувчи мактаб таълим стандартига 2004 йилда шоир А.А.Файнбергнинг ҳаёти ва ижоди киритилди. Бу албатта бежиз эмас.

А.Файнберг ижодини ўрганиш орқали ўқувчилар бу шоирнинг дил кечинмалари, унинг изланишларидан воқиф бўлади.

Отаси Аркадий Львович Файнберг 1891 йилда Петербург яқинидаги Гатчинада, онаси Анастасия Александровна 1904 йилда Москвада, Александр Файнберг эса 1939 йилда Тошкентда туғилган. Унинг ота-онаси Сталин даврида Сибирда учрашишган. Новосибирскда яшашаётган вақтида уч ёшли акасининг шляпасига бирида “Кишинёв”, иккинчисида “Тошкент” деб ёзилгани иккита қоғозни ташлашган. Александр Файнбергнинг ёзишича: “Акам ҳаммамизни қутқариб қолган “Тошкент” сўзи ёзилган қоғозни тортиб олди, чунки “Файнберг” Молдовада Иккинчи жаҳон урушидаги фашистлар режими остида немис-рус омон қолиш учун тўғри фамилия эмас эди. 1937 йилда улар Тошкентга етиб келишди, икки йилдан кейин мен туғилдим”<sup>202</sup>.

У етти йиллик мактабни тугатиб, Тошкент типография техникумига ўқишга кирган. Техникумни тамомлагач, Тожикистонда ҳарбий хизматни ўтаган. Кейин Тошкент университети филология факультетининг журналистика йўналиши кечки бўлимида таҳсил олган.

А.Файнберг нафақат шеър ёзган, балки таржима фаолияти билан ҳам шуғулланган. Атоқли шоиримиз Алишер Навоий шеър ва ғазалларини ва замонавий шоирларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Асад Мухтор, Гулчехра Нуруллаева шеърларини рус тилига таржима қилган. Унинг шеърлари 2004 йилда Рустам Мусурмонов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

1965 йилда унинг биринчи китоби “Велотреки” (велосипед треклари) нашр этилган. 1969 йилда уни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига қабул қилишган. Шу йили учинчи китоби “Мгновение” (Бир лаҳза) ҳам нашр этилган. Унинг номи секин-секин машҳурликка юз тутган<sup>203</sup>.

1971 йилда унинг фолиятида бурилиш бўлди. Унинг шеърлари “Ўзбекистон Комсомоли” газетасида танқид қилинди. Бунинг асл сабаби бошқа нарса эди. Файнберг қатнашаётган қандайдир бир шеърлий кечада америкалик журналистлар ҳам келган. “Учрашувдан эсдалиқ” сифатида А.Файнберг ўз китобини уларга совға қилган. Бу албатта, ҳамма нашриётлардан унинг номини ўчиришга етарли бўлган. Етти йил давомида шоир шоирлик фаолиятидан четлатилди деса бўлади. Лекин Файнберг бошқалар тушкунликка тушуши мумкин бўлган бундай ҳолатда, ўзини ёқотиб қўймади ва кинода сценарий ёзиш билан бир қаторда, шеърлий ижодни ҳам тўхтатмади<sup>204</sup>.

<sup>202</sup> [https://45parallel.net/aleksandr\\_faynberg/](https://45parallel.net/aleksandr_faynberg/)

<sup>203</sup> Малыгина Г.В. Урок по лирике А.Файнберга. // Преподавание языка и литературы, научно-методический журнал. Ташкент. 2006. №2. – С. 62

<sup>204</sup> Ўша жойда. – С.

Саксонинчи йиллар шоир ижодида самарали бўлган дейиш мумкин. Унинг “Печать небосклона” (Осмон муҳри), “Короткая волна” (Қисқа тўлқин), “Вольные сонеты” (Жўшқин сонетлар), “Не плачь, дорога” (Йиғлама йўл)ўнга яқин ҳазин номдаги тўшламлари нашр этилган.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг, ҳамма соҳаларда ўхғаришлар юз берди. 2000 йилда Файнберг томонидан 35 йил давомида ёзилган шеърлари Москвадаги “Международные отношения” нашриётида дўстларининг молиявий кўмагида, “Прииск” номи билан, 2003 йилда эса Петербургдаги “Ретро” нашриётида “Вольные сонеты - 2” чоп этилди.

Г.Малыхинанинг фикрига кўра, Файнберг шеърятни фақат ўзининг ички қонуниятлари ва унинг мақсади масаласига кўра яшайдиган ҳодиса сифатида тушунган ва Владимир Высоцкийни тинглаган ҳолда “Шеърят кимники? Ҳеч кимники, деб жавоб берган. Журналистларнинг “Шоир ва замон” формуласи у учун нимани англатишини сўрашганида “...”шоир ва замон” муносабати менинг ишим ва ҳаётимдаги асосий нарса. Тарих нафақат ўтмишни, балки бугунги кунни ҳам тушунишни, шунингдек, келажакни олдиндан кўришни ўргатади” – деб, у ихчам, аммо аниқ жавоб берган <sup>205</sup>.

Шарқ халқларига бағишланган шеърлари ҳам талайгина «Старая песенка» (“Эски кўшик”), «Самаркандский базар» (“Самарқанд бозори”), «Картинка Самаркандского базара» (“Самарқанд бозори сурати”), «Два грузина» (“Икки грузин”); туғилиб ўсган Тошкент шаҳри ҳақида: в «1943» (“1943-йил”), «Незабудка» (“Унутма мени”), «С вокзала я...» “Вокзалдан мен...”, «Трамвайный парк» (“Трамвай боғи”), «Взгляд из детства» (“Болалиқдан бир манзара”), «Город, который ты есть» (“Сен бўлган шаҳар”), «5-ый проезд Жуковского» (“Жуковскийнинг 5-йўлаги”), «Город милый» (“Азизим шаҳар”).

У муҳаббатни қадрлаб, аёл гўзаллиги борасида шеърлар ёзган:

Не упаду перед женской красотой,  
Отвергнутый, не брошусь за корму.  
Красавица всегда верна тому, кто ни любви,  
Ни верности не стоит.  
Бу шеърни ўзбекча таржимаси:  
Аёл ҳусни олдида тиз чўкмайман,  
Ташламайман ўзимни ўтдан чўкка,  
Чиройлилар муҳр-у вафо кўргизар,  
Юрагида севгидан асар йўкка<sup>206</sup>.

<sup>205</sup> Малыхина Г. Поэтический прииск Александра Файнберга. – Т., 2014. – С. 79.

<sup>206</sup> Файнберг А. Ишқ дегани бир қарашда туюлар осон... Шеърлар//Алекандр Файнберг. – Т.: Ижод нашр, 2021. – Б. 47

Демак, Александ Файнберг ижодига назар ташланса, унинг нафақат моҳир, талантли шоир, балки таржимон, сценарист сифатида ҳам кўриш мумкин. У қийинчилик даврида ҳам тушкунликка тушмай, олдинга қараб интилган инсон сифатида ҳам гавдаланади. Унинг серкирра ижоди нафақат рус шоири, балки шарқ тароватини кўрсата олган ўзбек шоири эканлигидан ҳам далолат беради.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Малыхина Г.В. Урок по лирике А.Файнберга. // Преподавание языка и литературы, научно-методический журнал. Ташкент. 2006. №2.
2. Малыхина Г.В. Поэтический прииск Александра Файнберга. – Т., 2014.
3. Файнберг А. Ишқ дегани бир карашда туюлар осон... Шеърлар//Алекандр Файнберг. – Т.: Ижод нашр, 2021.
4. [https://45parallel.net/aleksandr\\_faynberg/](https://45parallel.net/aleksandr_faynberg/)